

"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
"Наманган йўл қуриш-таъмирлаш"  
МЧЖ директори

\_\_\_\_\_ Ш.Хайдаров

2022 йил \_\_\_\_ апрел

"Наманган йўл қуриш таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил учун молия хўжалик фаолиятини БХМС асосида мажбурий аудиторлик теширувидан ўтказиш мақсадида аудиторлик хизмати кўрсатувчи ташкилотни танлаш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**1. Умумий маълумотлар**

1.1. Буюртмачи "Наманган йўл қуриш таъмирлаш" МЧЖ

Манзил:

Узбекистон Республикаси, Наманган вилояти Тўрақўрғон т. Оқтош МФЙ  
Осойишта к. 70-үй

Жамият директори:

Ш.М.Хайдаров

1.2. "Наманган йўл қуриш –таъмирлаш" МЧЖ тендер комиссияси томонидан ижрочи-тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: **22 000 000** (Йигирма икки миллион) сўмни ташкил этиб, танлов таклифидаги кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак.

**2. Танлов максади.**

2.1. "Наманган йўл қуриш –таъмирлаш" МЧЖнинг 2021 йил учун молия хўжалик фаолиятини БХМС асосида мажбурий аудиторлик теширувидан ўтказиш мақсадида аудиторлик хизмати кўрсатувчи ташкилотни танлаш

**3. Танлов иштирокчилари.**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари ҳам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

#### **4.Ижрочига бўлган талаб.**

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга, зарур ҳолларда жойига чиқиб хзмат кўрсата олиши ва малакали мутахассислари бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи бажарган ишлари қонун доирасида бажариши бўйича кафолат бериши лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ қуидаги хужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги хужжат нусхаси ёки stat.uz расмий веб-сайтдан олинган ва иштирокчи муҳри билан тасдиқланган КТЯДР маълумоти;

- Аудиторлик ташкилотининг корхоналарда ташқи аудит ўтказиш бўйича лицензияси нусхаси

- Охирги ҳисобот даври учун молиявий ҳисобот нусхалари.

- Шартноманинг валютаси, унинг тўлиқ қиймати, тўлов шартлари ва аудит шартлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган иштирокчининг нарх таклифи.

- Суғурта полислари (охирги 3 йил давомида, 1,0 млрд сўмдан кам бўлмаган), аудиторлар сертификатлари аудиторлик хизматлари сифати назорати ўтганлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхалари.

- Аудиторлик ташкилоти ҳақида бошқа қўшимча маълумотлар.

4.4. Қуидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида;

- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида киритилган;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

4.5. Иштирокчини қуидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишуввлар орқали қарор натижасига ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи харакатларни амалга оширилганда.

- иштирокчининг конунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

4.6. Буюртма шартнома имзоланиб, олдиндан 15% тўлов ўтказилиб берилгандан сўнг аудит текшируви 10 кун ичida тўлиқ ижро қилиниши лозим.

#### **5.Бошқа шартлар.**

5.1. Тўлов шартлари: шартнома имзолангандан сунг 5 банк куни ичida 15% олдиндан тўлов, қолган 85% ни шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан кейин 1 ой ичida амалга оширилади.